*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

16 сентябрь, сешанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 193 (1710)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 сентябрь куни Озарбойжон ташқи ишлар вазири Гасан Гасановни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этиб, Г. Гасановнинг ушбу ташрифи ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Озарбойжон ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг мамлакатимиз раҳбарига йўллаган мактубини топширди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари Владимир Петровскийни ҳам қабул қилди.

-- Биз сизни нафақат БМТ Бош котибининг ўринбосари, балки Ўзбекистонга чуқур эҳтиром ва алоҳида эътибор билан қарайдиган инсон сифатида ҳам яхши биламиз, -- деди Ислом Каримов. -- Бугун Тошкентда очилган «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этаётганингиз ҳам қувонарли ҳолдир.

Владимир Петровский Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланишида республикамиз раҳбарияти юритаётган оқилона сиёсат муҳим ўрин тутаётганини мамнуният билан қайд этди. Ислом Каримовнинг минтақада хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

## ДУНЁВИЙ ТИНЧЛИК САРИ ҚЎЙИЛГАН ЯНА БИР ОДИМ



### 15 сентябрь куни Тошкентда «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция бошланди. Унда 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этмоқда.

БМТ, Европа Иттифоқи, «Ядро Клуби», Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти /ЕХҲТ/, Ислом Конференцияси Ташкилоти /ИКТ/, Шимолий Атлантика Ҳарбий Блоки /НАТО/, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик /МАГАТЭ/, Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш бўйича агентлик /ОПАНАЛ/ шулар жумласидандир.

Конференцияни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ, республика раҳбарияти кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммолар билан бир қаторда хавфсизликни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Миллий ва минтақавий хавфсизлик масалалари дунёвий тинчликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олсак, асосий диққат-эътибор, аввало, минтақада ядро қуролини тарқатмаслик ва экологик муаммоларни бартараф қилишга қаратилмоғи лозим экани аён бўлади. Бу хусусда Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлаб, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурган эди. Бугунги кунда ўша ташаббус ўзининг амалий инъикосини топмоқда.

Маълумки, ядро қуролидан холи зоналарни вужудга келтириш ғояси илк бор БМТнинг 1975 йилда қабул қилинган Резолюциясида қайд этилган эди. Бугунга келиб, бундай зоналарнинг сони тўрттага етди. Жанубий Осиё, Лотин Америкаси, Африка ва Антарктикадан иборат ушбу зоналар бир юз ўндан ортиқ мамлакатни ўз ичига олади. Бу зоналар ядровий қуролланиш пойгасига қарши ҳудудий тўсиқлар яратиш, бутун дунёда ялпи тинчликни сақлаш, қолаверса, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анжуманда БМТ Бош котибининг ўринбосари В. Петровский БМТ Бош котиби К. Аннаннинг конференция иштирокчилари номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. «Ядро қуролидан холи бўлган янги зоналарнинг вужудга келиши минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиб, ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланиш ҳаракатини қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим қадам бўлади», дейилади, жумладан, мактубда. Шунингдек, конференциянинг очилиш қисмида Ислом Конференцияси Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Иброҳим Солиҳ Бакр, Европа Иттифоқи вакили -- Голландия Ташқи ишлар вазирлиги ядровий муаммолар ва ядро қуролини тарқатмаслик бўлими бошлиғининг ўринбосари Паул Уилке сўзга чиқиб, ушбу икки ташкилот Марказий Осиё мамлакатларининг минтақани ядро қуролидан холи зонага айлантириш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман дунёнинг турли мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Бунга давлатлар раҳбарлари, кўплаб халқаро тузилмалар мутасаддилари томонидан конференция иштирокчилари номига келаётган мактублар ёрқин мисол бўла олади.

Конференциянинг биринчи кунида ядро қуролидан холи зоналарни барпо этишда халқаро тажриба ҳамда минтақавий хавфсизлик мавзуларида амалий сессиялар бўлиб ўтди. Унда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланган давлатлар вакиллари, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, ОПАНАЛ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар томонидан юборилган соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш шартлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ечиш усуллари бўйича фикрлар алмашилиб, баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Шунингдек, анжуманнинг биринчи кунида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг Баёноти имзоланди.

Халқаро конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов ва бошқа расмий кишилар иштирок этмоқда.

Анжуман 16 сентябрь куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА)

*СУРАТДА: конференция пайти.*

**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ -- ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам делегация раҳбарлари, хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон диёрига ташриф буюрганингиз билан самимий қутлайман ҳамда Тошкент конференциясида иштирок этаётганингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мазкур конференция -- **Марказий Осиё давлатларининг ташқи хавф ва тазйиқларга қарши туриш борасидаги якдиллик билан қилаётган саъй-ҳаракатларининг дастлабки натижасидир.** Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббуси -- Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик, барқарорликни ҳамда бу минтақада истиқомат қилаётган кишиларнинг тинчлигини таъминлаш, айтиш мумкинки, минтақани барқарор ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш борасидаги манфаат ва мақсадлари муштараклигининг янги бир кўринишидир.

Халқаро ташкилотлар, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Ислом Конференцияси Ташкилоти, мазкур Конференцияда иштирок этаётган 50 дан ортиқ давлат ва халқаро тузилмалар вакилларига Марказий Осиё ташаббусини қўллаб-қувватлашгани, Тошкент конференциясини тайёрлашда ёрдам берганликлари учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат этгайсизлар.

Анжуман ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари -- ядро давлатлари ҳисобланмиш беш давлат вакилларининг иштирок этаётгани бизга кўтаринки руҳ, умид бахш этади.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлашни ўз вазифаси деб билган ҳамда Конференция ишида иштирок этиш учун Тошкентга ташриф буюрган Марказий Осиё билан чегарадош мамлакатларнинг расмий вакилларини чин дилдан қутлайман.



Биз Тошкент анжумани иштирокчилари орасида Европа Иттифоқи мамлакатлари делегацияларини кўришдан ниҳоятда мамнунмиз. Уларнинг интеграция ҳамда хавфсизлик ва тинчлик ўрнатиш борасидаги тажрибаси Марказий Осиёдаги ёш давлатлар учун алоҳида қадрлидир.

Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари бўйича халқаро шериклар доираси тобора кенгайиб бораётганини ҳам алоҳида мамнуният билан қайд этишни истардим. Мен Конференциямизда Лотин Америкаси ва Жанубий Африка давлатлари дипломатларининг иштирок этиши унга янада теран мазмун ва нуфуз бахш этишига қатъий аминман.

Учрашувимиз ядро қуролини тарқатмаслик бўйича йирик халқаро экспертларнинг иштироки туфайли янада юксак илмий даража касб этишини ҳам таъкидлаш жоиз. Уларнинг кўпчилиги Конференцияга тайёргарликнинг эксперт босқичида Тошкентга ташриф буюрган эдилар.

Мен мазкур Конференцияни тайёрлаш жараёнидаги улкан ишларни ёритиш борасида кўп хизмат кўрсатган оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимларига ҳам алоҳида миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Бизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусимизга қўшилган ҳамда бу ташаббусни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқишда иштирок этаётган барчангизга катта раҳмат.

Хонимлар ва жаноблар!

Халқлар ва бутун инсоният ҳаётида XX аср ниҳоясига етмоқда. Шу нарсага аминманки, бугунги кунда яшаб турган ҳар қандай ақлли инсон бизнинг XXI асрга қай ҳолда кириб боришимиз, қандай қилиб уйимиз, мамлакатимиз, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз тўғрисида ўйга толади. Фожиали оқибатларга, одамлар ўртасидаги йирик қурбонлар, тузатиб бўлмайдиган ҳалокатларга олиб келиши мумкин бўлган муайян хавф-хатарларга қарши қандай чора кўрамиз?

Табиийки, ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуроллари хавфи бундай хавф-хатарлар ичида алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда дунёда минглаб ядро қуроли борлиги тўғрисида гапиришга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, афсуски, демократик матбуотда эълон қилинаётган, инсоният келажагига аниқ-равшан хавф туғдирувчи -- парчаланадиган қурол бўладиган материалнинг улкан заҳиралари, ядро қуроли билан боғлиқ авариялар, ядро контрабандаси, ядровий дўқ-пўписа ва терроризм ҳақидаги ахборот ва фактлар ҳам ҳаётимизнинг оддий кўринишига айланиб қолмоқда.

Биз телевизор экранларида намойиш этилаётган, ядро қуроли синовлари туфайли мангуга йўқ қилиб ташланган минг-минглаб, ҳатто миллионлаб гектар майдонда, ҳайвонот ва ўсимлик оламида юз бераётган даҳшатли манзараларга кўникиб қоляпмиз.

(Давоми 2-бетда).



## АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтимиз Тошкентда бир ҳафта давом этган спорт байрами -- теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги мусобақалари ниҳоясига етди.***

14 сентябрь куни мазкур турнирнинг расмий ёпилиш маросими бўлди. «Юнусобод» спорт мажмуидаги замонавий ёпиқ теннис саройига жамоатчилик вакиллари, спорт мухлислари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрди.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қизғин олқишлар билан кутиб оладилар.

«Президент кубоги» турнири финал учрашуви қатнашчилари -- буюк британиялик Тим Хенмен ва швейцариялик Марк Россенинг ўйини бошланади. Ҳаяжонларга бой, қизғин спорт курашлари остида ўтган бу ўйинда иккала ракетка устаси ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди. Мусобақа бошиданоқ ғолибликка даъвогарлардан бири ҳисобланган Тим Хенмен учрашувда ғалаба қозониб, турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Майдонга мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатлар байроқлари олиб кирилади.

Тантанали маросимни халқаро теннис мусобақалари ташкилотчиси Сассон Какшури очиб, Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрлик, хусусан, мазкур теннис турнирининг ташаббускори бўлган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидаги теннис ишқибозлари ва мухлислари бу нуфузли мусобақани катта қизиқиш билан кузатиб бордилар, деди давлатимиз раҳбари. Турнирда жаҳондаги атоқли теннисчиларнинг иштирок этиши, уларнинг маҳорати ҳамда иштирокчилар ва мухлисларнинг юксак кайфияти, ташкилотчилар яратиб берган ажойиб шарт-шароит уни ҳақиқий спорт байрамига айлантирди.

Спортчилар ўйинидаги кураш иштиёқи, барча -- ёшу қари шуғулланиши мумкин бўлган қизиқарли спорт тури миллионлаб томошабинларни хурсанд қилди, десам янглишмайман.

Биз учун энг муҳими -- Ўзбекистонда бундай мусобақаларнинг ўтказилиши эртанги кунда шаҳар ва қишлоқларимиздаги теннис кортларига саломатлигини мустаҳкамламоқчи ва катта теннис билан шуғулланмоқчи бўлган минглаб кишиларни, энг аввало, фарзандларимиз ва набираларимиз -- бўлажак маҳоратли теннисчилар ва чемпионларни жалб этиш имконини беришига ишонаман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, мусобақа юксак савияда ўтиши учун барча ишни қилган ташкилотчиларга, ҳақиқий муросасиз спорт кураши намунасини кўрсатган ҳамда ғалабага бўлган интилишини намоён этган турнир иштирокчиларига яна бир бор миннатдорлик сўзларини айтишни истайман.

Шунингдек, теннис ва спортнинг барча мухлисларига, бугун мана шу ажойиб Саройни тўлдириб ўтирган барчангизга, сиз орқали Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига олис мамлакат ва қитъалардан келган спортчиларни қўллаб-қувватлаганингиз, очиқ чеҳрангиз, самимият ва меҳмондўстлигингиз учун раҳмат айтаман.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов томошабинларнинг қизғин олқишлари остида турнир ғолиби Тим Хенменга Президент кубогини, иккинчи ўрин соҳиби Марк Россега махсус совринни топширди.

Теннисчилар ўзларига кўрсатилган эътибор, минглаб томошабинларнинг хайрихоҳ ва холис муносабатда бўлиб қўллаб-қувватлаганлари учун ташаккур билдирдилар.

«Президент кубоги» тўртинчи халқаро теннис турнири ёпиқ деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Теннис ихлосмандлари ўйин қатнашчиларини «Яна кўришгунча, хайр» сўзлари билан кузатиб қоладилар...

Турнирнинг ёпилиш маросимида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА)

***СУРАТДА: Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мусобақа ғолиби Тим Хенменга бош совринни топшириш пайти.***

**А. РИХСИЕВ олган сурат.**

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан иқтисодиётнинг етакчи тармоғи -- пахтачиликни ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги давр бошланди.***

Пахта ҳосилини жаҳон талаблари даражасида қайта ишлашга эришиш соҳа ходимлари олдида турган энг долзарб вазифалардандир. Илғор жаҳон технологияси асосида жиҳозланган Янгийўл пахта тозалаш заводининг фойдаланишга топширилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

## ЯНГИ КОРХОНА ТАҚДИМОТИ

Шу муносабат билан 13 сентябрь куни бу ерда янги корхона тақдимоти маросими бўлди. Унда тегишли вазирлик, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва хўжаликлар раҳбарлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Маросимни Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев очди.

Йилига 25 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган мазкур корхонада АҚШ, Австралия, Хитой ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган машина-ускуналар ўрнатилди. Шуни айтиш керакки, янги завод аҳоли истиқомат жойидан анча олисда - бевосита пахта даласи яқинида бунёд этилди. Бу эса экологик ҳолатни яхшилаш, маҳсулот тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш имконини беради. Ишчилар учун барча қулайликлар яратилган янги корхонанинг энг муҳим фазилати шундаки, қайта ишлаш жараёнида ғоят сифатли тола олиниши билан бирга, чигит деярли шикастланмайди, маҳсулот таннархи арзонлашади.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков тақдимот маросимида сўзга чиқди.

Маросимда Бош вазир ўринбосари А. Муҳиддинов қатнашди.

(ЎзА)

***ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!***

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

### танлови республикамиз журналистларини янада зўр ғайрат ва маҳорат билан ижод қилишга даъват этади

Озодлик, Ҳуррият, Ватан каби муқаддас тушунчалар инсон қалбида олий қадриятлар сифатида яшайди ва миллатни, халқни бирлаштиради. Бу қадриятлар кишилар орзусига қанот, Ватан салоҳиятига салоҳият, диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳаётбахш замин яратади.

Шукрлар бўлсинки, асрий орзуларимиз ушалди. Она-Ватанни обод қилиш, тақдиримизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш даври келди. Мана, олти йилдирки, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро аҳиллик ва ижтимоий тотувликда кечаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир дақиқамиз мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Халқимизнинг иймон-эътиқоди, ишончи ва яратувчилик қудрати туфайли буюк келажакка асос қўйилмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиз шаҳар-қишлоқлари қисқа фурсатларда замонавий қиёфага эга бўла бораётган, энг юксак талабларга жавоб бера оладиган маҳобатли иншоот ва корхоналар қад ростлаётган, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунё халқларининг ҳеч биридан кам эмаслигини кўрсата билаётган мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Бинобарин, давр биз -- ижод аҳли зиммасига ҳаммамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлмиш она-Ватан ва буюк истиқлол хусусида, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган янги замон одамлари тўғрисида жўшқин илҳом ва маҳорат билан ҳикоя қилиш масъулиятини юкламоқда. Кишиларимиз онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини бўйбасти билан кўрсатиш ижод аҳли олдида ўта долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси адибу журналистлар, фотосуратчиларни, умуман, барча қаламкашларни «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» республика танловига таклиф этади.

Ғолиблар қуйидаги совринлар билан тақдирланадилар:

**Биринчи мукофот (учта) -- хорижда ишлаб чиқарилган кўп каналли рангли телевизор;**

**иккинчи мукофот (бешта) -- видеомагнитофон;**

**учинчи мукофот (еттита) -- энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида.**

Танловга мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимларига бағишланган асарлар, мақола ва суратлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қабул этилади. Ғолиблар Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан икки нусхада қуйидаги манзилга юборилиши сўралади: **700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танловига.**

Туман, шаҳар, вилоят ва республика газета ва журналларида, телевидение ва радиода эълон қилинган сара асарлар, кўркам ва сермазмун суратларни «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови кутмоқда!

# ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қиладиган кишилар оммавий қирғин қуролларининг бундай ғайриинсоний синовларининг битмас-туганмас оқибатларини ҳозирги кунда ҳам ҳис этиб турибди ҳамда яна кўпгина авлодлар умри мобайнида ҳис этади.

Минтақамизни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилишнинг яна бир муҳим ва долзарб жиҳати шундаки, ҳали сайёрамиздаги барча давлатлар ҳам Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган эмас.

Ҳозирги кунда ҳам яқин-яқинимизда ядро қуролига эга бўлиш нияти ҳақида очиқдан-очиқ гапираётган давлатлар бор.

**Назаримизда, худди мана шунинг учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда мана шу хавфдан огоҳ қилиш, унинг олдини олиш борасидаги ташаббус ва чора-тадбирларга жиддий эътибор билан қараши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим.**

Биз Марказий Осиё -- дунёдаги аҳоли энг зич жойлашган минтақалардан бири эканини, аҳоли ҳар томонлама ночор, табиий ҳалокатлар тез-тез содир бўлиб турадиган шароитда истиқомат қилишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бошқа томондан олиб қараганда, бу ташаббуснинг муҳимлиги Марказий Осиёнинг ниҳоятда бой табиий, минерал, энергетик ва инсоний ҳамда бошқа ресурслари туфайли тобора ошиб бораётган геостратегик ҳолати билан ҳам изоҳланади. Бу ерда дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг геополитик ва стратегик манфаатлари тўқнашади. Шунинг учун ҳам тобора улкан аҳамият касб этаётган бу минтақанинг устунлик ва таъсир доиралари учун янги кураш майдонига айланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Биз Марказий Осиё минтақасининг халқаро хўжалик алоқалари тизимига, жаҳон иқтисодиёт ва ахборот майдонига фаол кириб боришига, жаҳондаги етакчи давлатлар ва халқаро муассасалар билан сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаши, энг аввало, бу минтақадаги давлатларнинг халқаро хавфсизликнинг дунёвий тизимига интеграциялашувигина барқарорлик ва изчил тараққиётнинг ишончли кафолати бўлишига қатъий аминмиз.

Марказий Осиёнинг дунё миқёсида тобора улкан аҳамият касб этаётгани, шунингдек, умумевропа хавфсизлиги тизимини янгича идрок этишни ҳам тақозо қилади. Биз шунга қатъиян аминмизки, **Марказий Осиёдаги -- Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти аъзолари бўлмиш бешта давлатни ўз ичига олган минтақада ядро хавфидан холи зонанинг барпо этилиши ЕХҲТнинг умуммайдонида ҳам тинчлик ва барқарорлик пойдеворини янада мустаҳкамлайди.**

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этишнинг ҳақиқатан ҳам мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини таъкидлар эканман, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида олға сурган бу ташаббус қўшниларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланганини мамнуният билан қайд этаман. Бу 1997 йил февралида қабул қилинган Алмати декларациясида ўз ифодасини топган. **Бу ҳужжат ядро қуролини тарқатмаслик соҳасида сиёсий ишонч муҳитини яратди.** Декларациянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро тузилмалардаги тақдимоти ҳамда унга халқаро ҳамжамият раҳбарлари ва аъзолари берган баҳо бизга кўтаринки руҳ бахш этади.

Марказий Осиё ташаббусининг юзага келишига ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажриба диққат билан ўрганилгани ҳамда дунё миқёсида хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзимизнинг ўрнимизни аниқлаб олиш туфайли имкон яратилди. Буни Конференциянинг эксперт босқичи ҳам тасдиқлади. Мазкур босқич давомида минтақадаги давлатларнинг сайёрамизнинг ядро қуроли, ядровий портлатиш ускуналари бутунлай тақиқлаб қўйиладиган ҳудудларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига ижобий баҳо берилди.

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциямизнинг бундай нуфузли даражаси ўртага қўйилган масалаларни юксак эксперт даражасида ҳал этиш имконини беришига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни бизнинг Конференция кун тартибининг концептуал томонларига бўлган нуқтаи назаримизга қаратмоқчи эдим.

**Биринчи. Ядро хавфсизлигига умумий, кенг қамровли хавфсизлик, омон қолиш муаммосининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатларнинг мажбуриятлари ўртасидаги мувозанат -- ядро қуролидан холи зонанинг самарали фаолият кўрсатиши асосидир.**

Мен Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг ишончли, мустаҳкам бўлиши ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар унинг мақомини эътироф этган тақдирдагина таъминланишига қатъиян аминман. Бошқа томондан олганда, барпо этилаётган ҳудудга оламшумул ядровий стратегия манзарасида бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган ҳарбий мувозанатни бузадиган воқеа сифатида қаралмаслиги лозим.

**Иккинчи.** Ядро қуролидан холи зонани барпо этиш технологияси ўз-ўзидан минтақа хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал қилмаслигини эътироф этиш зарур. Зонанинг барча фаолият имкониятларини ядро қуроли тарқалиши хавфининг олдини олишга сафарбар эта оладиган механизм ишлаб чиқилиши лозим. **Шу мақсадда иштирокчи давлатлар халқаро миқёсда тўпланган тажрибага ҳамда бир қанча асосий тамойилларга,** хусусан:

-- зона ядро қуролидан тўла равишда холи бўлиши таъминланиши лозим;

-- унинг фаолият кўрсатиши бўйича иштирокчи давлатларгина эмас, барча манфаатдор мамлакатлар ҳам ўз зиммаларига мажбурият олиши мумкин;

-- ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ҳақидаги битимлар келишилган мажбуриятларга риоя қилишни таъминловчи самарали назорат тизимини ўз ичига олиши лозим;

-- назорат МАГАТЭ ва БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кафолати остида олиб борилиши лозим,

деган тамойилларга суяниши керак.

**Учинчи.** Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши -- **Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома** доирасида белгилаб берилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда **Марказий Осиё минтақаси давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишнинг умумий тартибига фаоллик билан қўшилажагини билдиради.**

Айни пайтда, ядровий қуролсизланиш бўйича тадбирлар билан бир қаторда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ҳам тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим. Бу саъй-ҳаракатлар маслаҳатлар ўтказиш, ахборот алмашиш ва мавжуд қурол заҳираларидан бир-бирини хабардор қилиш даражасидаги ҳамкорликни, шунингдек, маҳаллий зиддиятлар мавжуд ҳудудларга қурол етказиб беришни қаттиқ назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши лозим.

**Тўртинчи. Ҳар қандай сиёсий қарор, ҳар қандай давлатлараро ҳужжат ижтимоий муаммолар билан мустаҳкам боғлиқ бўлганидагина, инсон ва жамиятнинг муносиб турмуши таъминланганидагина бирон-бир кучга эга бўлади.** Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зона ҳам бундан мустасно эмас. У кишиларга айнан нима бериши мумкин? Муҳими -- мазкур зона хавфсиз ва барқарор тараққиётни таъминлашга ҳисса қўшади. Бугунги кунда собиқ СССРдан қолган оғир ядровий меросни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзининг зудлик билан ечилишини ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини кутмоқда.

Бунга Семипалатинск полигонида ўтказилган ядро синовлари оқибати ҳам киради. Бу ёпиб қўйилган ўнлаб уран конлари ҳамда ўтган йиллар мобайнида уранни жуда кўп қайта ишлашдан пайдо бўлган, инсонлар ҳаёти учун хавфли қатлам ва чиқиндилар муаммоси ҳамдир. Бу, ниҳоят, -- экология, инсонлар саломатлиги, уларнинг турмуш шароити муаммосидир.

**Бешинчи. Конференцияни тайёрлашнинг эксперт босқичи кўрсатганидек, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ғояси минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларга тўла мос келади.** Бу мазкур муаммо бўйича илгари қилинган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, сизларнинг эътиборингизни муҳим аҳамиятга молик бир масалага қаратмоқчиман. Биз ядро қуролидан холи Марказий Осиё зонасининг барпо этилиши рамзий тадбирга айланиб кетмаслиги кераклигини яхши биламиз. Уни барпо этиш бўйича тадбирлар қуролсизланиш ва қуролланишни назорат қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида, Ядро қуролини тарқатмаслик бўйича шартнома доирасида амалга оширилиши лозим.

Ядро қуролидан холи зонанинг фаолият кўрсатишига одатдаги, анъанавий маънодагидан кўра кенгроқ қаралиши лозим.

Мен нимани назарда тутяпман?

Энг аввало, минтақадаги давлатлар ва чегарадош мамлакатлар ихтиёрида мавжуд бўлган парчаланувчи материаллардан одамларни ҳимоялашнинг аниқ ва амал қиладиган механизми ишлаб чиқилиши керак.

Биз, шунингдек, терроризм ва иғвогарликнинг турлича кўринишларидан ҳам кафолатланган эмасмиз.

Биз мамлакатларимиз ҳудудига исталган пайтда ядро қуролига айланиши мумкин бўлган хавфли ёнилғининг кириб келишидан ҳам кафолатланган эмасмиз. Давлатлараро даражада дипломатлар, давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишини мувофиқлаштириш зарур. Биздан ядровий материалларни сақлаш, назорат қилиш ва ҳисоблаш, улардан ҳимояланиш борасидаги ҳамкорлигимизни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича муайян тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

**Ва, ниҳоят, ядро қуролидан холи зона** ядро қуролини тарқатмаслик, қуролсизланиш, назорат қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасидаги фаолиятини амалга оширишдан ташқари, **Марказий Осиё давлатларининг тинчликка хизмат қиладиган атомни тадқиқ қилиш соҳасидаги ҳамкорлигига кўмаклашуви лозим. Бунинг учун минтақада барча зарур имкониятлар мавжуд.**

Муҳтарам Конференция иштирокчилари!

Тошкентдаги бу учрашувимиз Тлателолко Шартномасининг ўттиз йиллиги, Пелиндаб Шартномасининг бир йиллиги ва Атом энергияси бўйича халқаро агентлик -- МАГАТЭнинг қирқ йиллиги нишонланаётган йилда ўтмоқда. Конференциямизга ўз вакилларини юборган ОПАНАЛ, Африкадаги ядро қуролидан холи зона иштирокчилари ҳамда МАГАТЭ шаънига қутлов йўллаш билан бирга, Ўзбекистонда бу нуфузли ташкилот ва давлатлар фаолияти хавфсиз дунё қуришга бўлган астойдил интилиш деб баҳоланишини қайд этмоқчиман.

Бу воқеаларнинг бир-бирига рамзий алоқасини таъкидлаган ҳолда, шуни мамнуният билан қайд этаманки, Марказий Осиё давлатлари Лотин Америкасида бошланиб, минтақадан минтақага ўтиб бораётган ядро қуролидан холи дунё эстафетасини масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда қабул қилиб олади.

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат ўзининг минтақа тақдири учун масъулияти даражасини яхши билади. Шунинг учун ҳам биз мана шу залда ҳозир бўлганларнинг барчасига жаҳон ҳамжамиятининг бизнинг ташвишларимизни англаб етадиган ва унга шерик бўладиган, бизнинг хавфсиз дунё қуриш, якдиллик ва ҳамкорлик борасидаги интилишларимизда ёрдам беришга тайёр турган вакиллари сифатида қараймиз.

Биз Марказий Осиёдан ташқарида юз бераётган воқеалардан узилиб қолганимиз йўқ. Биз -- инсониятнинг бир қисмимиз, дунё эса яхлитдир. Биз бошқа давлатлар билан бир қаторда сайёрамизнинг барча бурчакларида инсонларнинг кафолатланган тинч ҳаёт кечирадиган вақтини тезроқ яқинлаштириш учун тинчлик ўрнатиш йўлидаги бунёдкорлик жараёнида иштирок этишни истаймиз.

Мен анжуманимиз мана шу олижаноб мақсадга эришиш, XXI асрдаги жаҳоншумул тинчлик моделини идрок этишда муҳим босқич бўлиб қолишига умид қиламан.

Конференциянинг барча иштирокчиларига ишларида самара ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Сайёрамизда ядро қуроли тарқалиши инсониятнинг келажаги учун энг катта хавфдир. Ядро қуроли асрлар давомида инсон қўли билан яратилган барча нарсаларнигина эмас, ер юзида ҳаётнинг ўзини ҳам йўқ қилиб ташлашга қодир.

Ядровий қуролсизланиш даврида куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан воз кечиш, ҳар бир халқнинг бири бошқасидан устун туришини рад этадиган ижтимоий, сиёсий ҳамда мафкуравий йўлни танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган янги тинчлик концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

Тошкентда бўлиб ўтган (1997 йил 15--16 сентябрь) «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» халқаро конференцияси минтақавий ва жаҳон миқёсидаги хавфсизлик бир-бири билан боғлиқлигини эътироф этиб, жаҳон ҳамжамиятининг тобора ривожланиши учун биргаликда ҳисса қўшиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани, Алмати декларациясини имзолаган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон умумий масъулиятни чуқур англаган, биргаликда оғишмай ҳаракат қилиш зарурлигига асосланган ҳамда ўз халқларининг якдил фикрини ифодалаган ҳолда:

-- Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш зарурлиги минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳати сифатида қайд этадилар;

-- Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқиш ва унинг муддатини узайтиришга бағишланган 1995 йилги Конференция ҳужжатларида баён қилинган мақсад ва қоидаларга қўшиладилар;

-- бошқа давлатларнинг имзолаши учун 1996 йил 24 сентябрда очиб қўйилган Ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома қабул қилинганини қутлаб, ҳали уни имзоламаган барча давлатларни бу шартномани имзолашга чақирадилар;

-- ядро қуролидан холи зоналар бўйича тузилган шартномалар муносабати билан ўз зиммаларига мажбурият олган мамлакатлар жаҳон майдонининг катта қисмини ташкил этиши ва янги ядровий хавфсизлик маданияти ижодкори ҳисобланишидан мамнуният изҳор этадилар;

-- Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши миллий, минтақавий ва жаҳон миқёсидаги хавфсизлик манфаатларига мос келади, деб ҳисоблайдилар;

-- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларини, барча давлатларни Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва уни барпо этишга ҳар томонлама кўмаклашишга чақирадилар;

-- минтақадаги экологик хавфсизликни таъминлашни зарур деб ҳисоблаган ҳолда, бошқа давлатларни ҳам кўпгина ҳудудлар, жумладан, радиоактив чиқиндилар билан ифлосланган ҳудудларни асл ҳолига қайтаришга кўмаклашишга чақирадилар;

-- ўзларининг ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканликларини яна бир бор тасдиқлайдилар;

-- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус органларига мурожаат қилиб, Марказий Осиёда Ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги шартномани тайёрлаш ва амалга ошириш шакллари ҳамда унинг жиҳатларини кўриб чиқиш учун минтақавий экспертлар гуруҳи иштирокида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Экспертлар гуруҳини тузишни илтимос қиладилар.

**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 15 сентябрь.**



*Тупроқда ҳикмат кўп. Бу ҳикмат тилсимини очиш унга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Кимдир ризқ олади, яна биров гул ўстиради... Китоб туманидаги «Ёшлик» кулолчилик корхонаси мусаввири Мавлуда Раҳмонова миллий санъатимиз ноёб дурдоналарини яратиб, безак солади.*

Суратни Т. КАРИМОВ олган.

• *ХОТИРА*

***Элу юртни ўйлаб қилинган меҳнат асло беиз кетмайди. Бундай фидойи инсонларнинг номи кейинги авлодлар томонидан ҳам доимо миннатдорчилик билан эъзозланади. Ўзбекистон йўл қурилиши ривожига улкан ҳисса қўшган ва юртимизда йўл қурилиши соҳасидаги фаолиятнинг илмий асосда ташкил этилишида яловбардор бўлган инсон — Пўлат Бобохонович Бобохонов ана шундай сиймолардан биридир.***

## ЯЛОВБАРДОР ЭДИ...

Пўлат Бобохонов атиги 55 йил умр кўрди. Аммо бу йиллар республикамиз йўл хўжалиги тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолиши учун етарли бўлди. У 1938 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тамомлагач, республика Йўл қурилиши давлат қўмитаси бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. 1953 йилда йўл қурилишининг долзарб масалаларига бағишланган илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди унвонини олди. Шундан кейин умрининг охирига қадар ўз ҳаётини республика йўл қурилиши соҳасига бағишлади. Аввал Давлат режа қўмитасида транспорт ва алоқа бўлими бошлиғи, кейин республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар вазирлигида вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

Пўлат Бобохонов фаолияти даврида республикамизда йўлсозлик иши ривожланди. У Ўзбекистонда йўл қурилиши соҳасидаги меҳнатнинг илмий асосда ташкил этилиши ва равнақ топишига бош-қош бўлди. Устоз олимнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўрта Осиё политехника институтининг қурилиш факультети қошида 1956 йилда илк марта «Автомобиль йўллари» мутахассислигига талабалар қабул қилинди. Худди шу институтда 1961 йилда «Автомобиль йўллари» кафедраси очилди. Ниҳоят, юртимизда алоҳида Автомобиль йўллари институтининг пайдо бўлиши ҳам бевосита Пўлат Бобохоновичнинг номи ва хизматлари билан боғлиқдир (Шу сабабли яқинда бу институтда П. Бобохонов ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи хотира музейи ташкил этилганлиги табиий ҳодисадир). Автомобиль йўллари институти ташкил топиши билан Ватанимизда автомобиль йўллари ва кўприк қурилиши бўйича мутахассисларни кўплаб тарбиялаб етиштиришга замин ҳозирланди. Институт қошида йўл қурилишига доир бир неча салоҳиятли кафедралар вужудга келди.

Пўлат Бобохонов мавжуд кафедраларни малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида илмий марказларга ўзбекистонлик иқтидорли ёшларни танлаб, саралаб жўната бошлади. Бевосита унинг илмий раҳбарлигида бугун номи республикага таниқли йўл қурилиши соҳасининг ажойиб мутахассислари етишиб чиқди. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон автомобиль йўллари вазири Қ. Даулетяров, «Ўзйўллойиҳа» муассасасининг бош муҳандиси А. Очилов, шунингдек, йўл қурилиши фанининг А. Садирхўжаев, С. Холмуҳаммедов, З. Саидов каби таниқли намояндалари мутахассислик ва илм соҳасидаги илк қадамларини Пўлат Бобохонов бошчилигида қўйган эдилар.

Бугун П. Бобохонов асос солган хайрли ишларни унинг шогирдлари ва йўл қурилиши соҳасининг ўн минглаб заҳматкашлари давом эттирмоқдалар.

**Аълохон ҚОДИРОВА,**
**Тошкент автомобиль йўллари институти профессори.**

• *1997 ЙИЛ -- ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ*

***Сирдарё вилоятида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.***

Аҳолига тиббий, маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш муассасалари, янги мактаб ва болалар боғчалари очилмоқда.

## БАЛАНДЧАҚИРДА БАЙРАМ

Куни кеча Ховос туманининг денгиз сатҳидан қарийб минг метр баландликда жойлашган Баландчақир қишлоғига табиий газ ва тоза ичимлик сув келди. Шу мақсадда туман ҳудудида қисқа муддатда қарийб 70 километр масофага газ қувурлари тортилди, тўртта насос станцияси қуриб битказилди. Бу эса уч минг гектардан кўпроқ ерни ўзлаштириш, янги боғ-роғлар барпо этиш имконини берди.

Шу муносабат билан бу ерда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари А. Муҳиддинов, вилоят ҳокими Ў. Исмоилов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 16 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 54,22 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,00 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 120,34 |
| 10 Бельгия франки | 20,43 |
| 1 Голландия гульдени | 37,45 |
| 10 Греция драхмаси | 2,68 |
| 1 Дания кронаси | 11,08 |
| 1 БАА дирхами | 20,43 |
| 1 АҚШ доллари | 75,03 |
| 1 Миср фунти | 22,15 |
| 1 Ирландия фунти | 112,98 |
| 1 Исландия кронаси | 1,05 |
| 10 Испания песети | 5,00 |
| 100 Италия лираси | 4,32 |
| 1 Канада доллари | 53,90 |
| 1 Хитой юани | 9,05 |
| 1 Кувайт динори | 246,57 |
| 100 Ливан фунти | 4,91 |
| 1 Малайзия ринггити | 25,34 |
| 1 Германия маркаси | 42,18 |
| 1 Норвегия кронаси | 10,24 |
| 1 Польша злотийси | 21,75 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,16 |
| 1 Сингапур доллари | 49,64 |
| 1000 Туркия лираси | 0,44 |
| 1 Финляндия маркаси | 14,09 |
| 1 Франция франки | 12,54 |
| 1 Швеция кронаси | 9,76 |
| 1 Швейцария франки | 51,12 |
| 1 ЭКЮ | 82,67 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,83 |
| 10 Япония иенаси | 6,22 |
| 1000 Россия рубли | 12,83 |
| 1 Украина гривнаси | 40,38 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,71 |
| 1 Эстония кронаси | 5,92 |
| 1 Латвия лати | 127,17 |
| 1 Литва лити | 18,76 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,99 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,23 |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

# ТЎРАЧИЛИК ЭМАС, РАҚОБАТ БЎЛСИН

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раиси Дилшод АҲМЕДОВ билан суҳбат*

**--Дилшод Саиднабиевич, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси фаолият юритаётганига бир йилдан ошиб қолди. Қўмита фаолиятининг дастлабки натижаларидан мамнунмисиз?**

-- Мамлакатимиз Президентининг 1996 йил 15 майдаги Фармонига биноан, республика Молия вазирлиги ҳузурида ташкил топган мазкур Қўмита рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш, монополистик фаолиятни чеклаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини юргизувчи орган ҳисобланади.

Қўмита ўз фаолиятида юқорида эсланган Фармонга, шунингдек, «Товар бозорларида рақобат ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва меъёрий ҳужжатларига асосланади.

Биз ўз олдимиздаги вазифаларни амалга оширишда бошқа тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Бозорда соғлом асосларда рақобат ривожланиши учун монополистик фаолиятга чек қўйиш лозим. Шу мақсадда жорий йилнинг биринчи ярмида Қўмитамиз томонидан у ёки бу корхонанинг айрим бозорлардаги устунлик мавқеини аниқлаш мақсадида нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ, йиғма темир-бетон буюмлар, чиннисозлик ва ҳавода юк ташиш каби жами 27 хил маҳсулот бозорларидаги аҳвол ўрганилди.

Масалан, ҳавода юк ташиш бозорини таҳлил қилиб, бу бозордаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Авиация маъмурияти бевосита ўз назорати остига олганлигини аниқладик. Авиация маъмурияти юзага келган вазиятдан фойдаланиб, шартномавий (чартер) рейсларга норма белгилаган ва ҳамма учун умумий тариф жорий этиб, шу орқали рақобатни чеклаб келган. Хуллас, Қўмитамиз авиация маъмуриятини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тизимидан чиқариш тўғрисидаги таклифни ўртага қўйди.

Бошқарув муҳитида монополия тизимини яратишнинг усулларидан бири шуки, умумий бозордаги бир хўжалик юритувчи субъект иккинчи хўжалик юритувчи субъект акцияларининг назорат пакетини сотиб олади. Масалан, масъулияти чекланган «Мулк» жамияти «Жайҳун» акциядорлик жамиятининг 54,81 фоиз акцияларини сотиб олган ёки «Ўзбексайёҳ» Миллий компанияси «Осиёсаёҳаттранс» акциядорлик жамиятининг 51,04 фоиз акцияларини ўз тасарруфига олган. Ҳатто айрим жисмоний шахслар алоҳида акциядор ташкилотларнинг 70-80 фоиз миқдордаги акцияларини қўлга олганлар. Худди шу текширишлар натижасига кўра, Қўмитамиз мазкур келишувлар бекор қилинсин, деб далолатнома қилди. Қимматли қоғозлар бозорини назорат қилиш ва бошқариш Марказига юқоридаги далолатнома талабларини бажариш юзасидан хабарнома юборди.

Акцияларнинг назорат пакети олди-сотдиси бўйича яна 35 та ишни кўриб чиқдик, улардан 5таси нотўғри йўллар билан амалга оширилгани сабабли, келишувлар бекор қилинди.

**-- Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида монополиячилар фаолиятини назорат қилишнинг усулларидан бири -- уларни хўжалик юритувчи субъектлар сифатида Давлат реестрига киритишдир...**

-- Монополист бирлашмалар (корхоналар)ни Давлат реестрига олишда Ўзбекистон Республикаси Статистика департаментининг товарларнинг келтирилиши, бозорга олиб кирилиши ва чиқарилиши, ҳамда уларни қолдиғи тўғрисидаги маълумотларига, шунингдек, монополияга қарши кураш Қўмитасининг ўзи товар ва молиявий бозорни ўрганиш бўйича тўплаган маълумотларга асосланамиз.

Товар бозорида аҳвол тез-тез ўзгариб туради. Шу сабабли бозордаги вазият доимий равишда таҳлил қилиб борилади. Агар монополистнинг бозордаги таъсири белгиланган меъёрдан пастга тушса, у Давлат реестридан чиқарилади. Масалан, 1996 йилда 5186 хил маҳсулот тури бўйича 828 корхона Давлат реестрида эди. Бугун эса 3605 хил маҳсулот, товар, иш ва хизмат турлари бўйича 784 хўжалик юритувчи субъект Давлат реестри ҳисобида турибди.

**-- Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маҳсулотлари нархларини асоссиз равишда оширишдек монополистик фаолиятнинг олдини олиш ва истеъмолчиларни сотувчилар ҳамда тайёрловчиларнинг ўзбошимчилигидан муҳофаза этиш борасидаги ишлар қай даражада йўлга қўйилган?**

-- Қўмитамиз ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари бу соҳада белгиланган режаларни узлуксиз амалга ошириб келмоқда. Шу пайтгача текширилган 3675 корхона ва ташкилотлардан 2291 (яъни 62,3 фоизи) хўжалик юритувчи субъектлар монополияларга қарши қонунчиликни ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этмаётганлиги аниқланди. Натижада уларга нисбатан 362 миллион сўм миқдорда иқтисодий жарима солинди. Ана шу маблағнинг 192 миллион сўми «Нархларни тартибга солиш фонди»га мусодара этилди.

Айниқса, қурилиш ташкилотларида қонунчиликка риоя этилмаслик ҳоллари кўп учраяпти. Бу жабҳада текширилган 139 хўжалик юритувчи субъектларнинг 92,8 фоизида 17 миллион сўм маблағ ўмарилган; 234 саноат корхонасининг 78,6 фоизида 30 миллион сўмлик; 363 коммунал хизмат субъектларидан 234 (64,5 фоиз) тасида 12 миллион сўмлик; текширилган 850 дорихонанинг 573 (67,4 фоиз) тасида 7 миллион сўмлик маблағ асоссиз ортиқча ўзлаштирилган.

«Уйжойқурилишжамғармабанк»нинг алоҳида номлардаги облигациялар асосида аҳоли учун уй-жой қурилиши соҳасида олиб бораётган фаолияти текширилганида, бу ерда бажарилган иш қиймати 1 миллион 200 минг сўмга ошириб кўрсатилганлиги маълум бўлди. Уй-жойлар буюртмачилар билан тузилган шартномаларда белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаганлиги учун «Уйжойқурилишжамғармабанк» ўз мижозларига (ҳар бир сутка учун 1 фоиздан) умумий миқдори 976,5 минг сўм жарима тўлашига тўғри келди.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасига қарашли 54 монополист-корхона фаолияти текширилганида, улардан 43 таси монополияга қарши қонунчиликни бузиб, асоссиз равишда 6 миллион 192 минг сўм ортиқча даромад олганлиги аниқланди. Ёки «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» тизими томонидан қишлоқларга ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги маҳсулотлар жўнатилишида бу ишга бир неча воситачилар аралашуви натижасида маҳсулотлар таннархи 6 фоиздан 70 фоизгача қимматлашган. Шу боисдан бу уюшмага қўмитамиз маҳсулотларни базалар орқали тарқатиш ва воситачиларсиз ишлашни таклиф этди. Уюшма бизнинг таклифларимизни амалга ошириш юзасидан ўз ҳайъатининг қарорини чиқарди. Қўмитамизнинг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизими фаолияти юзасидан ўтказган текширишлари натижасида Қорақалпоғистон, Хоразм ва Сурхондарё йўналишлари бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жўнатиш юзасидан тарифлар миқдори ҳам 50 фоизга камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Чарм» корпорациясида марказлаштирилган тартибда товарларни экспертиза қилиш ва сертификатлаш хизматларига ҳам нарх ва тарифлар белгиланганки, бу «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунга зиддир. Қўмитамиз томонидан бу нарх ва тарифлар бекор қилинди.

Монополист-корхоналар фаолиятида ўз маҳсулотларини (хизматларини) асоссиз равишда декларацияларда кўрсатилганидан анча оширилган нархлар (тарифлар)да пуллаш, ортиқча харажатларини маҳсулот таннархига юклаш каби тартибни бузиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаяпти.

Монополияга қарши ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликка зид йўлдан борганликлари учун 761 кишига нисбатан турли даражадаги жазо чоралари кўрилди. Шу жумладан, 21 нафар ходимнинг ишлари тергов органларига кўриш учун жўнатилди.

**— Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш Президентимиз Фармонида белгиланган асосий қоидалардан биридир. Газетхонларимизга шу йўналишда нима ишлар қилинаётганлиги тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.**

-- Инсон манфаатлари йили деб ном олган 1997 йилда озиқ-овқат ва бошқа хил товарларнинг айримлари; нодир металлар ва нодир тошларнинг баъзи турлари; шунингдек, кенг жамоатчилик истеъмол қиладиган баъзи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари тасдиқланди. Бу даврда олди-сотдига тааллуқли 12 та қоида ишлами охирига етказилиб, экспертизадан ўтказилди. «Киновидео хизмати тўғрисида»ги, «Туризм ҳақида»ги ва «Почта алоқаси ҳақида»ги Қонунлар шулар жумласидандир. Сотувчилар (ишлаб чиқарувчилар, ижрочилар) билан харидорлар ўртасидаги муносабатларни бошқарувчи қоидалар синовдан ўтказилмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни ҳуқуқий хизмат, молия ва Нарх илмий-текшириш институти ходимлари ҳамда «Ўздавстандарт» ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида банд-ма-банд шарҳлаш устида иш олиб борилмоқда.

Булардан ташқари, давлат солиқ ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бозорлар ва савдо ташкилотлари бўйлаб текшириш рейдлари ўтказилди. 1540 тадан кўпроқ савдо нуқтаси ва бозорлар, шу жумладан, 850 та дорихона текширилди. Улардан 1046 тасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва савдо қоидалари ҳар хил йўллар билан бузилган. Шунингдек, Қўмита томонидан истеъмолчилардан тушган 126 та шикоят текширилди ва деярли барча шикоятлар истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди. Фақат иккита шикоятда келтирилган фактлар тасдиқланмади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақида»ги Қонунни бузиш ҳоллари бўйича Қўмитанинг жойлардаги бошқармалари томонидан 347 та далолатнома ёзилди. Монополиядан чиқариш Қўмитасига ўз вақтида маълумот бермаганлиги учун 155 мансабдор шахсга 340 минг сўм миқдорида жарима солинди.

Шунингдек, ҳукуматнинг топшириғи билан 1996 йил ва 1997 йилнинг дастлабки 5 ойи давомида шакар, ўсимлик ёғи, балиқ, пиво ва салқин ичимликларнинг юртимиз бозорларига олиб келиниши, ташқарига чиқарилиши, товар ҳаракати ва уларга нархнинг белгиланиши таҳлил қилинди. Тошкент шаҳрининг ўнта туманидан танлов асосида текширилган 98 та дўконнинг 75 тасида шакар йўқлиги, 23 тасида оққанднинг килоси 125 сўмдан 160 сўмгача нархларда сотилаётганлиги аниқланди. Текшириш ўтказилган дўконларнинг деярли барчасида чет элдан келтирилган идишли ўсимлик ёғи, айрим дўконларда эса ўзимизда чиқарилган идишли ёки килолаб сотиладиган ловия ёғининг бир килоси 150 сўмдан 250 сўмгача сотилаётганлиги маълум бўлди.

Бизнинг қўмитамиз айни кунларда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифаларни бажариш юзасидан бошқа давлат назорат органлари билан биргаликда фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда август ойида «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» тизимидаги 439 савдо ташкилотининг 343 тасида текширув ўтказилганида, 769 та ҳар хил қоида бузишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, 314 дўконда товарларнинг нарх-наволари ёзиб қўйилмаган. 102 тасида тегишли сертификатлар йўқ, 48 дўконда харидорларга касса чипталари берилмаган. Маҳсулотларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган дўконлар эса янада кўп ва ҳоказо. Айниқса, Қарши шаҳридаги 13-дўконда «Мевасабзавотсавдо» комбинати томонидан ишлаб чиқарилган, яроқлилик муддати 1994 йилгача бўлган 147 та шиша банкадаги олма шарбати сотилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Шу шаҳардаги «Кимё» савдо уйининг, асосан, кимё саноати товарлари сотилиши режалаштирилган 2-дўконида эса озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда. Уларнинг нархномалари кўрсатилмаган, дўконда санитария талабларига умуман амал қилинмайди. Қарши шаҳрининг бошқа бирталай дўконларида ҳам аҳвол шундай. Юқорида тилга олинган қарор ижроси юзасидан текширишлар натижасида жойлардаги дўконлардан 527,8 минг сўмлик товарлар чиқитга чиқарилди, бу дўконларга 81,9 минг сўм миқдорида жарима солинди.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида кенг жамоатчилик ҳаракатини фаоллаштириш юзасидан Низом ҳам ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда бу борада, айниқса, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида бир мунча ишлар олиб боріляпти. Зеро, озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишда тартиб ўрнатиш нафақат қўмитамиз ва назорат органлари, балки ҳамманинг бурчидир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Михли САФАРОВ**
**суҳбатлашди.**

● «ОҚ ОЛТИН»-97



# ПАХТА ТЕРИМИ ҚИЗҒИН

*Пахтачи тумани пахтакорлари бу йил давлатга 50 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширишни режалаштирган. Туманда, асосан, минтақага мос келадиган чигит навлари экилгани сабабли, мўл ҳосил етиштирилди. Бу эса пахтакорларнинг кўзлаган мақсади амалга ошишидан дарак бериб турибди. Шу кунларда туманнинг барча хўжаликларида терим авжида. «Зарафшон», «Зиёвуддин» ва Шамси Назаров номли жамоа хўжаликларининг кўплаб бригадалари биринчи теримдаёқ ғалаба рапортларига имзо чекмоқда. Яқинда пахтачиликлар вилоятда биринчи бўлиб пахта карвони уюштирдилар.*

*Тумандаги Абдуазиз Аллаёров номли жамоа хўжалигида бу йил 1058 гектар ерга пахта экилган. Шунинг 200 гектарига андижонликлар усули бўйича чигит қадалган эди. Янги усул кўплаб афзалликларга эга эканини намойиш этмоқда.*

*Яқин кунларда хўжаликда пахтани машинада теришга киришилади. Бунинг учун 10 та терим агрегати шай ҳолга келтириб қўйилган.*

СУРАТЛАРДА: *пахта даласида; хўжалик бошқарувининг раиси Н. Жўраев ва бригада бошлиғи Н. Ҳотамов; теримчи Санобар Қувондиқова.*

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**





# ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Термизда республика Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари бўлинмалари ташкил топганининг 5 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Термиз гарнизони зобитлар уйида йиғилиш ўтказилди. Унда ёш, мустақил республикамиз чегара бўлинмаларининг таркиб топиши ва ҳар томонлама мустаҳкамланиши, миллий чегарачи кадрлар етишиб чиқаётгани мамлакатимиз сарҳадларини мустаҳкам ҳимоя қилиш омили бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятов, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

● ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА

# «ОРЗУ»: МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

***Пойтахтдаги «Орзу» акционерлик жамиятининг маҳсулотлари ҳаммага маълум. Бу ерда чармдан кундалик эҳтиёж буюмлари, спорт анжомлари ва атторлик маҳсулотлари тайёрланади.***

Тўқсонинчи йилларнинг бошида корхона аҳли республикада биринчилардан бўлиб ижара усулига ўтган эди. Бу ишчи-муҳандисларнинг меҳнатга муносабатларини тубдан ўзгартирди. Улар бозори чаққон, харидоргир буюмлар ишлаб чиқара бошладилар. Бироқ бозор иқтисодиёти мазкур жамоани ҳам замон билан ҳамнафас боришга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги имкониятларини излашга даъват этди. Шу изланишлар натижаси ўлароқ, Покистоннинг «Плеймор спортс» фирмаси билан ҳамкорликда «Плеймор-Орзу» қўшма корхонаси юзага келди.

-- Покистон футбол тўпи ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради, -- дейди ушбу фирма президенти Ошиқ Ҳусейн Аднон. -- Мамлакатимизда йилига ўттиз олти миллион дона шундай маҳсулот тайёрланиб, жаҳондаги давлатларга экспорт қилинади.

Покистонда футбол тўпи ишлаб чиқаришга дастлаб Олмониянинг «Пума», Франциянинг «Адидас», Япониянинг «Нелки» каби таниқли фирмалари асос солган. Негаки бу ерда ишчи кучи арзон. Футбол тўпи ишлаб чиқариш эса оғир қўл меҳнатини талаб этади. Ҳар қайсисида етти юзта чок бўлади.

Тошкентда покистонликлар технологияси асосида футбол тўпи тайёрлаш йўлга қўйилганига бир неча ой бўлди, холос. Ҳозир «Плеймор-Орзу» қўшма корхонасида ўттиз нафарга яқин ишчи хорижий шериклар ёрдамида тўп тикишни ўрганаяпти.

-- Ютуғимиз шундаки, -- дейди корхона бош директори Адҳамбек Ўлмасов, -- юртимизга нафақат чет эл технологияси ва маблағларини, балки хомашёсини ҳам олиб келаяпмиз. Кореядан эса махсус иплар келтирилмоқда. Натижада сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳсулот -- синтетик чармдан футбол тўплари тикилмоқда.

Келажакда қўшма корхона ишчиларининг сони тўрт юз нафарга етади. Улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар эса хорижга ҳам экспорт қилинади.

**М. ҚОСИМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

## КЎП ТОМОНЛАМА МУЗОКАРА

Корея ярим ороли билан боғлиқ муаммони барқарорлаштириш юзасидан тўрт томонлама музокараларнинг иккинчи босқичи шу йилнинг 18--19 сентябрь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтади. Бу ҳақда АҚШ Давлат департаменти маълум қилди. Музокараларда Шимолий Корея, Жанубий Корея, Хитой ва АҚШ вакиллари тинчлик тўғрисидаги кенг қамровли битим юзасидан тайёргарлик олиб боради. Мақсад ярим оролда хавфсизлик бўйича янги битимни ишлаб чиқиш ёхуд 1953 йилда Корея урушига чек қўйган ярашув тўғрисидаги амалдаги битим ўрнига тинчлик шартномасини имзолашга эришишдир.

## ИНҚИРОЗ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

«Нефтни озиқ-овқатга алмашув» дастурини хавф остига қўйган инқироз босиб ўтилди. Ироқ айни пайтда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қарорида кўзда тутилганидек, тегишли ҳажм ва муддатларда нефть маҳсулотлари экспортини давом эттириши мумкин. Бу Хавфсизлик Кенгашининг бир ҳафталик маслаҳатлашувидан сўнг аён бўлди. Маълумки, Ироқ ўтган уч ой мобайнида рухсат этилган 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хомашёни сотишга улгурмаган эди.



*Лиссабон. Тўлқинлар оғушидаги шаҳар.*

## УЧ АСРДАН СЎНГ РЎЁБГА ЧИҚҚАН ОРЗУ

Шотландия кўчаларида байрам кайфияти ҳукмрон. Буюк Британиянинг тарихий-жуғрофий минтақаси бўлган ушбу ҳудудда мухторият тарафдорларининг уч асрлик орзулари рўёбга чиқди. Шотландия пойтахти Эдинбургда 2000 йилдан бошлаб минтақа ўз парламентига эга бўлади. Шотландияда ўтказилган референдумда овоз берувчиларнинг 77 фоизи ушбу ғояни ёқладилар. Бир неча кундан сўнг эса қиролликнинг яна бир минтақаси -- Уэлсда ҳам худди шу сингари референдум ўтказилиши режалаштирилмоқда.

## БОШ ВАЗИР БАЁНОТИ

Туркия Бош вазири Масуд Йилмаз баёнот бериб, Кипрнинг Россиядан С-300 зенит-ракетали мажмуасини харид қилиш истаги «Туркия миллий хавфсизлигига тегиб» кетадиган масала, дея таъкидлади. Унинг айтишича, Анқара «ўз хавфсизлигини ҳимоя қилиш» учун етарли воситаларга эга.

Маълумки, Анқара ҳукумати бир неча бор С-300 минтақадаги тинчликка хавф солишини таъкидлаб, минтақадаги манфаатдор давлатлар, жумладан, АҚШни «вужудга келаётган вазиятга четдан кузатувчи бўлиб қолмасликка» чақирган эди.

## ҚУРУЛТОЙ ИШ БОШЛАДИ

Пекинда Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партиясининг XV съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Ушбу съезд биринчи бор февраль ойида вафот этган Хитой ислоҳотининг «бош меъмори» Дэн Сяопинсиз ўтаётир.

Икки мингдан ортиқ қурултой делегатлари олдида мамлакатнинг XXI аср бўсағасидаги сиёсий йўлини муҳокама этиш ва маъқуллаш вазифаси турибди. ХКП Марказий қўмитаси бош котиби Цзян Цзэмин съездда маъруза қилди.

# ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

***Шу йилнинг августида АҚШ Мудофаа вазирлиги расман эълон қилганидек, кеча Қозоғистондаги Чимкент ҳудудида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида «Марказий Осиё батальони-97» — «Центразбат-97» деб номланган ўқув амалиёти бошланди.***

Ушбу ўқув давомида 1400 нафардан ортиқ АҚШ, Туркия, Россия ва бошқа давлат ҳарбий хизматчилари «тинчликни таъминлаш ва инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш» юзасидан амалиёт ўтказиб, ўз маҳоратларини оширадилар, деб маълум қилинади АҚШ Ахборот хизмати тарқатган пресс-релизда.

Мазкур амалиётни ўтказишдан мақсад, минтақавий ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва келгусида НАТО ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни мувофиқлаштириб, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдир. Бу ўқув машғулоти маълум сценарий асосида -- иштирокчи мамлакатларнинг бирлашган кучлари шартли суръатда олинган икки давлат ўртасидаги вужудга келган чегаравий машмашалар устидан кузатув олиб борадилар.

АҚШ Ахборот хизматидан олинган хабарга кўра, Денгиз пиёда корпуси бригада генерали Мартин Брендт Пентагонда журналистлар саволига жавоб берар экан, бу ўқув амалиётини «Халқаро бирдамлик руҳида» ўтказадилар деди. Маълумки, Марказий Осиё батальони 1996 йилда тузилган бўлиб, унда жами 40 нафар Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларининг ҳарбий хизматчилари бор.

Албатта, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида яхши ният билан ўтказилаётган «Центразбат-97» тадбири дунёда тинчликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган муҳим қадамдир.

**Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

● СПОРТ

# 1997 ЙИЛ: ТИМ ХЕНМЕН (Англия) — «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» СОҲИБИ

ATP Tour

**Хуллас, ғалвир сувдан кўтарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун халқаро теннис мусобақасига якун ясалди. Сентябрнинг ўтган тўққиз куни мобайнида Ўзбекистон бутун дунё спорт ишқибозларининг, мутахассисларининг диққат марказида яшади. Ушбу мусобақада қатнашган ҳар бир теннисчи — хоҳ у ютқазган бўлсин, хоҳ ютган бўлсин — ўз она юртлари сари кўнгилда ажойиб таассуротлар билан қайтди. Кафельников дейсизми, Марк Россе дейсизми ёки Санчес, Тим Хенмендан гапирасизми, энди уларнинг юрагида Ўзбекистон деган мамлакат бўй кўрсатиб туради.**




Бир ҳафта мобайнида спортчилар, ташкилий қўмита аъзолари, журналистлар, муҳташам кортни тўлдириб ўтирган ишқибозлар бир-бирига шунчалик ўрганиб қолишдики, хайрлашиш сониялари етиб келгач, юраклар ҳаяжонга тўлди. Ҳамманинг кўнглида ботиний оғриқ -- лаззатли энтикишлар мужассам.

Биз, журналистлар мамлакатимиз теннис ишқибозларининг эркатойига айланиб қолган швейцариялик Марк Россе билан бир эмас, икки эмас, нақ тўрт марта матбуот конференцияси ўтказдик. Юзлаб саволлар берилди ва яна шундан ҳам кўп дастхатлар ёзиб олинди. Ҳали мағлубият аламларини кўпроқ татиб кўришга одатланмаган Евгений Кафельников билан унинг ярим финалдаги мағлубияти тўғрисида роса дардлашдик. Ҳамюртимиз Абдуҳамид Маҳкамовнинг енгилишини ўзимизча соатлаб муҳокама қилдик. Мусобақа байроғи туширилиб, давлат мадҳиямиз янграр экан, Тим Хенменнинг ғолибона ҳаракатлари, Марк Россенинг ҳазилкашлиги, Олег Огородовнинг мағлубиятга учрашни истамаса-да, енгилишга мажбур бўлгани, Франциско Клавитнинг сакрашлари кўз олдимиздан яна бир бор ўтди.

Кубокнинг саралаш мусобақаларида жами 32 теннисчи қатнашиб, улар орасида барча учрашувларни муваффақият билан ўтказган тўрт киши асосий курашчилар сафига қўшилди. Кубок тақдири ҳал қилиниши лозим бўлган кучлилар гуруҳида ҳамюртларимиздан Дмитрий Томашевич дастлабки учрашувни Евгений Кафельниковга бой берган бўлса-да, бу ўйин мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Умумий қилиб ҳисоблайдиган бўлсак, барча курашларда ҳамюртларимиздан ҳаммаси бўлиб 13 киши -- Александр Малцев, Темур Хонхўжаев, Улуғбек Мусаев, Денис Ҳурматов, Антон Иванов, Дмитрий Мазур, Вадим Куценко, Влади Бистрявичус, Антон Какурин, Темур Ғаниев, Дмитрий Томашевич, Олег Огородов ҳамда Абдуҳамид Маҳкамовлар қатнашди. Улар мусобақада кўнгилдагидек ютуқларга эришолмаган бўлса-да, хорижлик дўстларидан теннис маҳоратига хос бўлган жуда катта сир-асрорларни ўрганишди.

## ФИНАЛ

*«Юнусобод» кортига йиғилган барча ишқибозлар, теннис мутахассислари, журналистлар ғолиблик шоҳсупасига Евгений Кафельников кўтарилса керак, деган фикрда эди. Бироқ бирор кишининг ҳам тахминий башорати тўғри чиқмади. Дунёнинг тўртинчи ракеткаси Кафельников тасниф бўйича 28-ўринни эгаллаб турган швейцариялик Марк Россега ютқазиб қўйди ва ушбу мағлубиятини «ўзимнинг айбим» деб юз фоиз тан олди. Шу бугунга қадар теннис оламида Кафельников Россе билан саккиз бор учрашган. Шундан олтитасида Россе, иккитасида Кафельников ғалаба қозонган.*

*Иккинчи ярим финал қатнашчилари Клавет -- Хенмен учрашувида ҳам ишқибозларнинг тахминига зид натижа қайд этилди. Хенмен рақибини осонлик билан мағлубиятга учратди.*

*Кутилмаганда Кафельниковнинг енгилиши, Тим Хенменнинг финалга чиқиши анчамунча мунозараларга сабаб бўлди. Ишқибозлар «бу йилги «Президент Кубоги» Швейцарияга кетар экан-да» деган ўйда учрашув ўтказиладиган кунни интиқлик билан кута бошладилар. Уларнинг назарида Марк Россе Тим Хенменни қисқа фурсатлар мобайнида енгиш учун катта имкониятга эга эди. Негаки, Россенинг зарбаси соатига 216 км. тезликда елдек учади. Бўйи ҳам Хенмендан салкам ярим метр баланд эди. Булар, албатта, Россенинг ғалаба қилишига шубҳа қолдирмасди. Аммо...*

*Учрашувни Хенмен бошлаб берди ва дастлаб бироз ҳаяжонланди шекилли, устмауст хатоларга йўл қўйди. Бундан маҳорат билан фойдаланган Марк Россе олти дақиқа ичида икки очкони қўлга киритди. 15-дақиқадан бошлаб Хенменнинг ҳаракатларида кескин бурилиш ясалди. У бир ярим соат мобайнида Россега ҳеч қанақа хотиржамлик бермади.*

*Шундай қилиб тўртинчи бор ўтказилаётган «Президент Кубоги» халқаро теннис мусобақасидаги ғолиблик бахти англиялик Тим Хенменга насиб этди. Хенмен рақибини икки бўлим натижасига кўра, 7/6, 6/4 ҳисобида енгиб, бош совринни қўлга киритди.*

## ҒОЛИБЛАР



### 1-ЎРИН

**ТИМ ХЕНМЕН (АНГЛИЯ)**

**Тўртинчи бор ўтказилган «Президент Кубоги» ғолиби Тим Хенмен -- 1974 йил 6 сентябрь куни Англиянинг Оксфорд шаҳрида туғилган. Бўйи 185 см, оғирлиги 70 кг. 1993 йилдан буён профессионал теннис билан шуғулланади. 1993 йилдан буён топган даромади 1 миллион 25 минг 612 АҚШ долларидан ошиб кетди. Энг юқори рейтинги 21-(1997) ўрин. 1995 йил жуфтлик ўйинларида 95-ўрин.**

**Теннис бўйича ўндан ортиқ мусобақаларда ғолиб чиққан. Роттердам, Копенгаген, Сеул, Лион, Мюнхен халқаро мусобақаларининг ярим финалчиси, машҳур Уэмблдон беллашувининг чорак финалида қатнашган. Буюк Британиянинг биринчи ракеткаси. 1996 йилги Атланта олимпиадаси қатнашчиси.**

**«Президент Кубоги» мусобақасида Чампион (Франция), Волков (Россия), Спадеа (АҚШ), Клавет (Испания), Марк Россе (Швейцария)ларни мағлубиятга учратиб, Кубок соҳиби бўлди.**

### 2-ЎРИН

**МАРК РОССЕ (ШВЕЙЦАРИЯ)**

**Россе 1970 йил 7 ноябрь куни Швейцариянинг Женева шаҳрида туғилган. Айни пайтда Монте-Карлода яшайди. Бўйи 2 метру 01 см. Оғирлиги 88 кг. Ушбу мавсумда ПТА мусобақаларида 449 минг 679 доллар даромад қилган. Жами фойдаси 5 миллионга яқинлашиб қолган.**

**Шахсий ҳисобдаги ғалабалари: 1997 йил Антверпен, 1995 йил Ница, Галле, 1994 йил Марсел, Лион, 1993 йил Марсел, Лонг Айленд, Москва, 1992 йил Москва, 1990 йил Лион, 1993 йил Женева мусобақалари ғолиби, 1990 йил Барселона олимпиадаси чемпиони.**

**Швейцария терма командасининг биринчи ракеткаси сифатида Пежо кубогида Бекер ва Энквист устидан ғалаба қозонган. 1997 йил ҳисобидан Антверпенда ўтказилган мусобақада чемпионликка эришди.**



**Тим ХЕНМЕН:**

### ЮРТИНГИЗ МЕНДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

-- Ўзбекистон ва ўзбек халқи менда катта таассурот қолдирди. Спортга бўлган эътибордан, биз, теннисчиларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромдан хурсандман. Сизларда Огородов, Томашевич сингари келажагига ишонса бўладиган теннис усталари бор. Улар орадан бироз вақт ўтиб мамлакатингизга кўплаб шон-шуҳрат, обрў келтиради.

Бугунги учрашувим «Президент Кубоги»нинг тақдирини ҳал қилди. Мен ғолиб чиқдим. Мағлубиятга учраганлиги учун Россега раҳмат. Ишқибозлар мени ҳам, рақибимни ҳам доимо қўллаб туришди. Бу, албатта, теннисга нисбатан қизиқишнинг юқорилигидан дарак беради. Насиб этса, вақт топсам, келгуси йилда ҳам албатта бу нуфузли мусобақада қатнашаман.

Шу бугунга қадар мен Марк Россени бир марта мағлубиятга учратгандим. Буниси иккинчиси бўлди. Шунингдек, Кафельников устидан ҳам ғалаба қозонганман.

Қисқаси, Россе ҳам кучли теннисчи ҳамда ажойиб, ҳазилкаш инсон. У менинг ҳам, ишқибозларнинг ҳам эсидан чиқмайдиган шахсга айланди.

**Марк РОССЕ:**

### МУСОБАҚАДА ҚАТНАШГАНИМДАН НИҲОЯТДА ХУРСАНДМАН

-- Финалда ютқаздим. Бироқ ҳеч ким ва ҳеч нарсадан хафа эмасман. Аксинча, «Президент Кубоги»да қатнашганим менга катта фойда келтирди. Энг муҳими -- биз ғолиблар қаторидан жой олдик. Кубокни ололмаган бўлсам ҳам, дунё таснифидаги ўрним кўтарилганлиги қувончимга-қувонч қўшди. Насиб этса, келгуси йилда ҳам ушбу мусобақага келаман.

*«Халқ сўзи» мухбири*
*Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.*
**Суратлар муаллифи А. РИСҚИЕВ (ЎзА).**

«Халқ сўзи» газетаси жамоаси Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамраиси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга онаси

**Бусалима МУЛЛА ТЎРАБОЙ қизининг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MSDC

Бозор кўникмаларини ривожлантириш Маркази



қуйидаги соҳалар бўйича ўқув курсларини таклиф қилади:

замонавий бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент;
бухгалтерия ҳисобида компьютер — 80 соат;
PC дастуридан самарали фойдаланиш:
Windows 95, MS Word, MS Excel — 48 соат.

Инглиз тили ўргатиш курслари:
инглиз тили 1 модул — 150 соат ( ўқиш, ёзиш, сўзлашиш, тушуниш кўникмалари);
инглиз тили 2 модул — 100соат(сўзлашиш, тушуниш кўникмалари);
инглиз тили 3 модул — 150 соат (амалий бизнес сўзлашиш, тушуниш кўникмалари).

Ўқув курсларини бошлашдан олдин синов ҳар ойнинг 15-кунида ўтказилади.

Тўлов турлари: накд пул ёки пул ўтказиш орқали амалга оширилади. Ўқув курсларининг якунида халқаро намунага эга бўлган махсус гувоҳномалар берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 1"а"-уй, 3-4 қават, (Мўлжал: Урдадаги "Динамо" магазинининг қарама-қарши томонидаги бинода жойлашган).

Алоқа учун телефонлар: (3712) 41-07-62, 41-07-47.

Олмониялик кўргазмалар ташкилотчиси Fairtrade фирмаси Сизларни таклиф этади



CENTRAL ASIA 97
TEXTILE + LEATHER

**Жаҳоннинг 11 мамлакатидан келган 58 кўргазма қатнашчилари ўзларининг янги маҳсулот ва илғор технологияларини намойиш этадилар:**

- Тўқимачилик саноати учун катта миқдорда дастгоҳ ва машиналар
- Пахтани қайта ишлаш учун дастгоҳлар
- Кийим-кечак, тўқимачилик ва чарм маҳсулотлари

Марказий Осиё республикалари 2-халқаро тўқимачилик ва чарм саноати кўргазмасига марҳамат қилинг

**1997 йил 16-19 сентябрь**

Ўзбекистон, Тошкент, "Ўзэкспомарказ"
иш тартиби: 10.00 дан 17.00 гача.

fairtrade Messe und Ausstellungs GmbH

UZEXPOCENTRE
700084, Ўзбекистон, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107.
Тел.: (37 12) 34 45 45, факс: 35 83 30

ДА "Ўзуйжойжамғармабанк"

"Тошуйжойжамғармабанк" ва "Ташсоцжилбанк"нинг векселларини муомаладан чиқарилгани ҳақида қайта хабар беради. Векселлар ДА "Ўзуйжой-жамғармабанк"нинг ҳамма бўлимларида қабул қилиняпти.

Мурожаат учун тел.: 136-03-88, 132-12-93, 45-62-39, 139-44-43

103 uz

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

ТИФЛОКС

Бактерияга қарши восита қуйидаги вазиятларда қўлланилади:

- ич терлама;
- септицемия;
- инфекция;
- сийдик-жинсий;
- суяклар, бўғинлар;
- қуйи нафас йўллари;
- тери, юмшоқ сирт;
- иммунитети сусайган беморни профилактика қилиш.

ДОЗА
5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка

сурхан аджанта фарма лимитед

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хатлар 136-55-39;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;
Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;
Маънавият 136-35-60;
Тунги муҳарририят 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0594, 34.114 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Н. Мусомов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўст.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6